

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Навоний шаҳар 1-БЎСМ директори



И.И. Кирилов

2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Навоний шаҳар -2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА



1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Навоний шаҳар 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабига спорт жихозлари харид қилиш.

1.2 Харид қилинадиган спорт жихозлари сони ва ўртача нархи.


Фут зал учун футбол тўпм 4 улчамли
400-600 гр булиши лозим 20 дона
180 000 сўмдан жами 3 600 000 сўм

Тахминий шу
кўринишдагилар




футбол тўпм 5 улчамли Футбол
тўпининг оғирлиги 410–450 г,
айлана диаметрининг узунлиги 68—
70 см
30 дона 110 000 сўмдан жами
3 300 000 сўм

Тахминий шу
кўринишдагилар



Волебол тўпм 5 улчамли Футбол
тўпининг оғирлиги 340 г, айлана
диаметрининг узунлиги 63,5-68,5 см
20 дона 110 000 сўмдан жами
2200 000 сўм

Тахминий шу
кўринишдагилар



Кул тўпи оғирлиги 325—475 г,
айланаси 54—58 см бўлган чарм тўп
20 дона 120 000 сўмдан жами
2 400 000 сўм

Тахминий шу
кўринишдагилар



Бадий гимнастика коптоғи
10 дона 80 000 сўмдан жами
800 000 сўм

Тахминий шу
кўринишдагилар



Шахмат доскаси донаоари билан
20 дона 190 000 сўмдан жами
3 800 000 сўм

Тахминий шу
кўринишдагилар



Шахмат доскаси 2 дона
1000 000 сўмдан жами 2 000 000
сўм

Тахминий шу
кўринишдагилар




Баскетбол тўпм
Баскетболтўпининг оғирлиги
600-650 г, айлана диаметрининг
узунлиги 68-73 см
20 дона 130 000 сўмдан жами
2600 000 сўм

**Тахминий шу
кўринишдагилар**



Бокс чарим матодан тикилган
20 жуфт
87 500 сўмдан жами 1 750 000 сўм

**Тахминий шу
кўринишдагилар**



1.3. Танловнинг юкори киймати **22 450 000**(йигирма икки миллион тўрт юз эллик миңг)сўм. Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб қикилмайди.

1.4. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якуилари бўйича ғалиб қикқан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.5.Ишларни бажариш муддати: Ғалиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб белгиланган график буйича.

1.6.Ишларни бошлаш муддати— аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1.Навоий шаҳар 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:Ўзбекистон, Навоий вилояти Навоий шаҳар А.Авлоний кўчаси 26 уй Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. ТанловНавоий шаҳар 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар товар етказиб берувчилар барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

танлов айланма маблағларининг ёки кўрсатиб утилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

Иловада кўрсатилган молиявий кўрсаткичларни тақдим этиш; (“Махсулот етказиб берувчи тўғрисида маълумот.xls” файлидаги формалар кўринишида)

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган товар, (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялангириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиши), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир брига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов ҳужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

• Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

• Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Куйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:

• Техник ҳужжатлар руйхати (, солиқдан қарзи йуклиги ҳақида маълумотнома, банк айланима маблағлар мавжудлиги ҳақида маълумотнома, малака талаби техник ресурслар мавжудлиги ҳақида ҳужжатлар руйхати илова қилинади) ортқича ҳужжатлар жойлаштириш шарт эмас;

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР.

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган саналан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган сўров иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

Техник қисм: Ушбу эълоннинг “Техник топшириқлар” . doc файлида кўрсатилган.